



**ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ДАВРИДА ХИЗМАТ  
КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ, УНИНГ ИҚТИСОДИЙ-  
СТАТИСТИК ТАҲЛИЛИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ**

[https://doi.org/10.55439/ECED/vol25\\_iss1/a61](https://doi.org/10.55439/ECED/vol25_iss1/a61)

*PhD Эрназаров Гулам Бекбаевич*

*Тошкент шаҳридаги "МЭИ" миллий тадқиқот  
университети" Федерал давлат бюджети  
олий таълим муассасаси "Таълим сифатини назорат  
қилиш" бўлими бошлиғи, иқтисодиёт фанлар номзоди*

**Аннотация.** Ушбу мақолада Ўзбекистоннинг янги иқтисодий ривожланиш даврида хизмат кўрсатиш соҳасининг алоҳида аҳамияти, истиқболлари ва ривожланиш тенденциялари ўрганилади. Шунингдек, замонавий инновацион технологиялар асосида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш, унинг миллий иқтисодиётдаги салмоғи ва соҳани ривожлантириш орқали янги иш ўринлари яратиш, аҳоли бандлиги ва даромадларини ошириш йўллари статистик таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** хизматлар кўрсатиш, инновация, реал сектор, аҳоли бандлиги, тадбиркорлик, маҳсулот хилма-хиллиги, рақамли иқтисодиёт, ишлаб чиқариш, бозор иқтисодиёти, технология, корхона, мультипликатив, истеъмолчи, иқтисодий-статистик таҳлил.

**РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ СФЕРЫ УСЛУГ В ПЕРИОД ЭКОНОМИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ  
НОВОГО УЗБЕКИСТАНА, ЕГО ЭКОНОМИКО-СТАТИСТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ И  
ПЕРСПЕКТИВЫ**

*Эрназаров Гулам Бекбаевич*

*Начальник отдела «Контроль качества образования»  
Национального исследовательского университета  
«МЭИ» - филиала ФГБОУ ВО в г. Ташкенте,  
кандидат экономических наук (PhD)*

**Аннотация:** В данной статье в период нового экономического развития Узбекистана изучается особое значение сферы услуг, перспективы и тенденции развития. Также статистически анализируется развитие сферы услуг на основе современных инновационных технологий, ее вес в национальной экономике и пути создания новых рабочих мест, увеличения занятости и доходов населения за счет развития отрасли.

**Ключевые слова:** услуги, инновации, реальный сектор, занятость населения, предпринимательство, ассортимент продукции, смешанная экономика, развитие, экономическая экономика, технологии, жилищное строительство, мультипликативный, потребительский, экономико-статистический анализ.

**THE ROLE AND IMPORTANCE OF THE SERVICE SECTOR DURING THE ECONOMIC  
DEVELOPMENT OF THE NEW UZBEKISTAN, ITS ECONOMIC AND STATISTICAL  
ANALYSIS AND PROSPECTS**

*Ernazarov Gulam Bekbaevich*

*The head of the book "Education quality control"  
National Research University "MEI" - branch  
FGBOU VO v city of Tashkent, PhD in Economic*

**Annotation.** In this article, during the period of new economic development of Uzbekistan, the special importance of the service sector, prospects and development trends are studied. The development of the service sector based on modern innovative technologies, its weight in the national economy and ways to create new jobs, increase employment and income of the population through the development of the industry are also statistically analyzed.

**Keywords:** services, innovation, real sector, employment, entrepreneurship, product range, mixed economy, development, economics, technology, housing construction, multiplicative, consumer, economic and statistical analysis.

**Кириш.** Мамлакатимизда сўнгги йилларда аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, давлат томонидан фуқароларга ижтимоий хизмат кўрсатиш кўлами ва унинг турларини кенгайтириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 1 июндаги “Аҳолига сифатли ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг самарали назорат тизимини йўлга қўйиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-82 сонли Фармонинг қабул қилиниши, мазкур соҳани ҳар томонлама ривожлантириш учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда[1].

Хизматлар соҳаси мамлакат иқтисодиётининг ўсиши, арзон иш ўринлари яратиш, аҳоли бандлик даражасини ва даромадларини ошириш, шунингдек, камбағалликни камайтиришда муҳим аҳамият касб этади. Халқаро меҳнат ташкилотининг ҳисоб-китобларига кўра, хизматлар соҳасининг 1 фоизга ўсиши бу камбағалликни ўртача 1,5 фоизга қисқаришини таъминлайди.

Давлатимиз раҳбари “Ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш ва хизматларни ривожлантириш”га бағишланган йиғилишда 2023 йил иқтисодиётимизда хизматлар соҳасининг улуши 43,5 фоизга етиши кутилаётгани, лекин бу етарли эмаслигини таъкидлаб ўтди. Бу кўрсаткич соҳалар кесимида таҳлил қилинганда, бугунги кунда молия, транспорт, савдо, туризм, таълим, тиббиёт ва ИТ соҳалари, жами хизматлар ҳажмининг 85 фоизини беряпти. Ўтган, яъни 2023 йилнинг 11 оyi давомида 421 триллион сўмлик хизматлар кўрсатилган. Бу ўтган 2022 йилга нисбатан 13,6 фоиз кўп дегани, холос.

Ушбу кўрсаткични, хорижий мамлакатлар билан солиштирадиган бўлсак, Россияда 56-57 фоиз, Қозоғистонда 54-56 фоиз, Беларусияда 50-52 фоиз ва Жанубий Кореяда 57-58 фоиз ялпи даромадлар ушбу мамлакатларда хизматлар соҳасида яратилади.

Мамлакатимизда хизматлар соҳанинг ривожланиши, бу иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига ҳам мультипликатив таъсир кўрсатади. Масалан, молия, суғурталаш хизматларига талабнинг 1 миллион сўмга ўсиши иқтисодиётда қўшимча 3,2 миллион сўм қиймат яратади. Худди шундай катта мультипликатив таъсирга эга бўлган соҳалар қаторига консалтинг хизматлари, яшаш ва умумий овқатланиш, туризм, таълим, соғлиқни сақлаш ва коммунал хизматларни киритса бўлади.

Шундай экан, мамлакатимизнинг янги иқтисодий ривожланиш босқичида хизматлар соҳасини ривожлантириш, уни иқтисодиётимизнинг “локомотив”ига айлантириш ЯИМни ҳажмини 160 миллиард долларга ва аҳоли жон бошига даромадларни 4 минг долларга етказиш ва пировардида мамлакатимиз даромади ўртадан юқори бўлган давлатлар қаторига қўшилишига замин яратади[2].

**Мавзуга оид адабиётлар шарҳи.** Ушбу мавзу юзасидан бир қатор маҳаллий ва хорижий олимлар илмий тадқиқот ва изланишлар олиб боришган ва боришмоқда, улар мазкур соҳани ривожлантиришга ўз ҳиссаларини қўшишмоқда.

Фарбий Европа давлатлари иқтисодчи олимлари томонидан «хизмат» категориясига қўйидагича таъриф берилган: Хусусан, Ф.Котлер хизматлар деганда йирик хилма-хилликдаги фаолият турлари ва тижорат машғулотларини таърифлаб, улар «бир тараф иккинчи тарафга таклиф қилиши мумкин ва асосан уларни ҳис қилиб бўлмайди ҳамда бирор-бир нарсага эгалик қилишга олиб келмайди. Хизматларни кўрсатиш моддий кўринишдаги товар билан боғлиқ бўлиши мумкин ёки аксинча боғлиқ бўлмаслиги ҳам мумкин» деб таъкидлаб ўтади (Котлер Ф. 1993. - С.638.).

М.Кателъс иқтисодиётининг ахборот ва ахборотлаштириш билан боғлиқ хусусиятларига эътибор бериб, хизматларни янги тавсифга эгаллиги ва хизматларни кўрсатишда фаолиятнинг янги кўринишларини тадқиқ этган (Кателъс М. М. : ГУВШЭ, 2000 г.). Унинг фикрича, хизматлар категорияси тарихан турли хил ижтимоий тузилмалар ва ишлаб чиқариш тизимларидан шаклланиб келаётган фаолиятни ўз ичига олади. Хизмат кўрсатиш соҳасида ранг-баранг фаолият турларини бириктириб турувчи ягона белги ушбу ягона (умумий) белгининг йўқлигидир. Хизматларни уларга тегишли бўлган ички хусусиятлардан келиб чиқиб аниқлашда шуни айтиш керакки, ахборот иқтисодиётининг ривожланиши билан товарларнинг «номоддийлиги» ва «моддийлиги» ўртасида мазмунан фарқи йўқолди деб изоҳ беради.

Ю.В. Мелешко илмий мақоласида “XX аср охири - XXI аср бошлари иқтисодиётидаги энг ёрқин тенденциялардан бири хизмат кўрсатиш соҳасининг юқори суратларда ривожланиши ҳисобланади. Саноат ишлаб чиқариши – асоси 18-асрнинг охиридан бошлаб мамлакатларнинг муваффақиятли иқтисодий ривожланиши ўз ўрнини хизмат кўрсатиш соҳасига бўшатиб берди, шу сабабли жаҳон иқтисодиёти-

да саноат инқилоби билан таққосланадиган таркибий қайта қуриш содир бўлди. Бугунги кунда хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиш даражаси давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг мезонига айланди” (Ю.В. Мелешко Р.: №4. 2016 г.) деб, таъриф бериб ўтади.

Неоклассик мактаб вакили Алфред Маршалл хизматлар тўғрисида анча дадил ва шу билан бир қаторда, мантиқан асосланган фикрларни майдонга ташлаган ва хизмат кўрсатиш соҳасининг назарий асосларини шакллантиришда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган. У хизматларни меҳнатнинг номоддий, сезги органлари воситасида илғаб бўлмайдиган натижалари сифатида талқин қилган. Айнан, А.Маршалл барча неъматларни моддий ва номоддий неъматларга бўлар экан, уларнинг барчаси мамлакатдаги ижтимоий бойликни шакллантиришда бирдай муҳим эканлигини исботлашга алоҳида эътибор қаратган. У биринчи бўлиб, инсоннинг ҳаёт фаолиятида ва эҳтиёжини қондиришида моддий ноз-неъматнинг ўта муҳим ва зарур эканлигини эътироф этиш билан бир қаторда, куз билан илғаб булмайдиган турли номоддий ноз-неъматлар ва хизматларнинг ҳам катта аҳамияти борлигини илмий жиҳатдан асослаб берди (Альфред Маршалл. М.: «Прогресс», 1993 г.).

Т.Д. Бурменконинг берган таърифиға кура: «хизмат - бу маҳсулотнинг фойдали ҳаракати ёки инсоннинг ўзига хос, оқилона эҳтиёжларини қондириш учун фаолият шаклида намоён бўладиган, фойдаланиш қийматларини яратадиган меҳнат натижалари бўйича пайдо бўладиган иқтисодий муносабатлардир». Шунинг учун хизмат кўрсатиш жараёни истеъмолчиларга хизматларни етказиб бериш жараёни, яъни унга ҳар қандай шаклдаги жисмоний ва юридик шахсларнинг эҳтиёжларини қондириш жараёни сифатида қаралиши керак (Бурменко Т.Д. 2007. – 328 с. – С. 64-65.).

Ж.Р. Ураков мамлакатимиз иқтисодиёти ривожланишини ҳозирги босқичида сервис хизматлари сони ва сифатиға қўйилаётган талаблар билан боғлиқ (Ураков Ж.Р. Т.: СамИСИ. 2011. 15-16 б.).

Бугунги замонавий иқтисодиётни ривожлантиришда, хизмат кўрсатиш соҳасининг ўрни ва аҳамияти: унинг статистик таҳлили: муаммолари ва уларнинг ечимлари ҳақида, бошқа қўплаб маҳаллий ва хорижий олимлар ҳам илмий тадқиқот ишларини олиб боришмоқда.

**Тадқиқот методологияси.** Ушбу мақолани ёритишда иқтисодий таҳлил, аналитик таҳлил, қиёсий таҳлил усуллардан атрофлича фойдаланилди. Маълумотлар қиёсий таҳлил қилиниб, хизматлар соҳасининг истиқболлари, иқтисодий кўрсаткичлари, Ўзбекистоннинг янги иқтисодий риожланиш шароитида хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиш истиқболлари ўрганилди ва соҳадаги муаммоларни назарий жиҳатдан ёритиб беришга ҳаракат қилинди. Тадқиқот ишимизда хизматлар соҳасида инновацион ва рақамли технологияларни қўллаш орқали соҳани ривожлантиришнинг йўналишлари ўрганилди. Тадқиқот объекти сифатида хизмат кўрсатиш соҳаси ўрганилди.

**Таҳлиллар ва натижалар.** Бугунги кунда хизматлар соҳаси замонавий миллий иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларидан биридир. Ушбу тармоқ анъанавий фаолият билан чекланиб қолмайди, у жамият ҳаётида ўз иштирокини доимий равишда кенгайтириб боради, ижтимоий ишлаб чиқаришга интеграциялашган, шунингдек, иқтисодиётнинг деярли барча соҳалари билан ўзига хос алоқалар орқали боғланган.

Шундай экан, иқтисодий ривожланиш, албатта транспортга, коммунал инфраструктураларга (сув, газ, электр, канализация), ишлаб чиқаришни молиялашга (банклар), маҳсулотлар бозорини кенгайтиришга (ахборот, коммуникация хизматлари) ва бошқа муҳим хизмат соҳаларига боғлиқ бўлади. Бундан ташқари, мамлакатда меҳнат унумдорлигини ва инсон капиталини ошириш (таълим, соғлиқни сақлаш), халқаро савдони кенгайтириш имкониятлари ҳам хизматлар соҳасининг ривожланишини талаб қилади.

Агар хизматлар соҳасини 2023 йил 1 январь ҳолатига кўра, мамлакатда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг умумий сони 592 371 бирликни ташкил этди. Хизматлар соҳасида 392787 бирлик корхона ва ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда, бу уларнинг умумий сонининг 66,3 % ини ташкил этди. Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 113,0 % ни ташкил этган. Агар бу кўрсаткични 2019 йил 1 январь ҳолатига кўра, таққослаб кўрадиган бўлсак, хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг улуши 65,8 % ни, яъни 213 075 бирликни ташкил этганини кўриш мумкин.

Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан эса уларнинг ўсиш суръати 111,4 % ни ташкил этган. 2023 йил 1 январь ҳолатига кўра хиз-

мат кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар умумий сонининг (523 556 бирлик) 325 809 бирлиги кичик тадбиркорлик субъектлари ҳисобланади. Уларнинг хизматлар соҳасига оид фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг умумий сонигаги улуши 82,9 % ни ташкил этди. Хизмат кўрсатиш фаолияти билан шуғулланувчи йирик ташкилотларнинг

улуши 17,1 % ни (66 978 бирлик) ташкил этди.

Иқтисодиётнинг янги ривожланиш даврида хизматлар соҳасини ривожлантириш кўп жиҳатдан ҳудудларда кўрсатилаётган бозор хизматлари ҳажмининг ўсиши билан боғлиқ бўлади (1-жадвал).

1-жадвал

Ҳудудлар бўйича кўрсатилган хизматлар ҳажми, млрд. сўм ҳисобида

Ҳудудлар	2018	2019	2020	2021	2022	2023 <sup>Q1</sup>
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>150 889,8</b>	<b>193 697,8</b>	<b>219 978,5</b>	<b>284 388,1</b>	<b>357 554,5</b>	<b>96 758,0</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	4 600,2	5 671,8	6 520,3	8 458,4	10 421,9	2 712,7
Андижон	8 011,5	9 803,8	11 413,0	14 459,6	17 642,4	4 688,0
Бухоро	6 631,6	8 413,2	9 843,1	12 574,1	15 780,0	4 236,8
Жиззах	3 283,2	4 305,1	5 024,7	6 395,7	7 984,0	2 135,9
Қашқадарё	7 064,1	8 800,9	10 349,5	12 907,4	15 945,8	4 184,3
Навоий	3 925,6	5 056,2	5 840,5	7 459,6	9 247,2	2 473,7
Наманган	6 067,7	7 747,6	8 928,6	11 619,5	14 722,6	4 035,3
Самарқанд	10 043,5	12 786,8	14 086,1	18 259,0	22 734,9	6 105,8
Сурхондарё	6 079,6	6 981,9	8 013,9	10 387,4	12 878,0	3 434,8
Сирдарё	2 031,4	2 726,8	3 303,0	4 183,1	5 029,8	1 345,5
Тошкент	11 292,9	14 568,4	16 438,3	21 197,4	25 994,9	6 808,7
Фарғона	9 237,9	11 684,1	13 694,4	17 705,2	21 960,3	5 735,4
Хоразм	4 562,8	5 763,3	6 461,2	8 348,1	10 303,2	2 715,8
Тошкент ш.	50 176,2	65 759,2	79 879,3	106 502,8	137 358,1	36 562,4

Ҳудудлар кесимида кўрсатилган бозор хизматларини оладиган бўлсак 1-жадвал маълумотлардан кўришиб турибдики 2023 йил биринчи чораги бўйича энг юқори кўрсаткич пойтахт Тошкентнинг (36 562,4 млрд. сўм) ҳиссасига тўғри келимоқда. Энг паст кўрсаткичлар эса Сирдарё (1 345,5 млрд. сўм), Жиззах (2 135,9 млрд. сўм), Навоий (2 473,7 млрд. сўм) ва Хоразм (2 715,8 млрд. сўм) ҳиссасига тўғри келмоқда. Тошкентда бу кўрсаткичнинг юқорилигига асосий сабаблардан бири ҳам рақамли иқтисодиётнинг шаҳарда тез ривожланишидир. Демак хизматлар соҳасини ривожлантириш учун биринчи навбатда аҳолининг рақамли технологиялардан фойдаланиш ҳулқ-атворини шакллантириш ва сифатли интернет тармоқлари билан таъминлаш зарурдир.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, саноати ривожланган ҳудудлар (қазиб олиш саноати бундан мустасно) Навоий ва Тошкент вилоятлари ҳамда, Тошкент шаҳрида хизматлар со-

ҳасининг аҳоли жон бошига ўртача кўрсаткичлари Хоразм, Наманган ва Сурхондарё вилоятларига нисбатан юқори эканлигини кўрсатмоқда.

Ҳозирда малакатимизда хизматлар соҳасини иқтисодий фаолият турлари бўйича олиб қарайдиган бўлсак, ахборот ва алоқа хизматлари, молия хизматлари, транспорт хизматларини ва таълим хизматлари кўрсатиш бўйича юқори ўсиш суръатларини кузатиш мумкин (2-жадвал).

2023 йилнинг дастлабки маълумотларига кўра, кўрсатилган бозор хизматлари (2-жадвал) ўсишининг асосий омили сифатида, молиявий хизматлар 16,9 % га ўсиши, транспорт хизматлари – 13,7 % га, савдо хизматлари – 4,3 % га, алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари – 21,0 % га, таълим хизматлари – 16,6 % га, яшаш ва овқатланиш хизматлари – 5,1 % га, шунингдек, кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар – 7,6 % ни ташкил этди.



## Иқтисодий фаолиятнинг асосий турлари бўйича кўрсатилган хизматлар ҳажмининг ўсиш суръати

Кўрсаткичлар	2017	2018	2019	2020	2021	2022	2023 <sup>q1</sup>
<b>Хизматлар – жами</b>	<b>110,7</b>	<b>108,9</b>	<b>113,2</b>	<b>103,0</b>	<b>119,5</b>	<b>115,9</b>	<b>110,9</b>
ахборот ва алоқа соҳасидаги хизматлари	121,3	115,9	108,3	123,8	126,4	125,5	121,0
молия хизматлари	136,5	121,5	147,0	125,6	128,0	129,3	116,9
транспорт хизматлари	109,9	104,5	106,7	91,4	115,7	112,4	113,7
шу жумладан: автотраспорт хизмати	102,1	101,6	105,1	101,4	115,5	106,5	104,2
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	112,1	107,0	107,3	80,3	132,3	114,7	105,1
савдо хизматлари	100,3	104,9	107,4	103,8	112,3	109,0	104,3
кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар	106,6	107,9	104,7	90,0	123,1	111,1	107,6
таълим соҳасидаги хизматлар	125,6	110,5	109,5	101,0	130,8	115,3	116,6
соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	116,9	113,4	114,7	94,8	128,5	111,5	103,2
ижара ва лизинг бўйича хизматлар	102,1	110,4	98,3	98,4	118,7	112,2	103,4
компьютерлар, шахсий фойдаланиш буюмлари ва маиший товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар	102,6	104,2	107,1	94,5	122,9	109,0	103,6
шахсий хизматлар	100,7	102,2	105,4	94,7	114,4	107,0	103,2
меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	124,7	118,1	115,5	93,3	117,9	107,7	100,1
бошқа хизматлар	111,8	121,2	116,3	99,7	113,0	117,0	108,1

**Таққослаш учун:** 2022 йил январь-декабрь ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича кўрсатилган бозор хизматлари таркибида савдо хизматлари 24,8 %, транспорт хизматлари – 22,7 %, молиявий хизматлар – 22,5 %, алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари – 6,4 %, таълим соҳасидаги хизматлар – 4,3 % ни ташкил этган.

Хизматлар соҳасини янада ривожлантириш учун таълим хизматлари бозорини кенгайтириш лозим. Малакали кадрларнинг хизматлар соҳасига кириб келиши соҳани янада ривожлантиради.

**Хулоса ва таклифлар.** Хулоса қилиб айтиш лозимки, хизматлар соҳасининг ривожланиши ҳозирги замон иқтисодиётида муҳим аҳамият касб этади. Иқтисодиётда хизматлар ҳажми ошишининг асосий омилларини илмий билимлар, номоддий шаклдаги тўпламлар, ахборот технологиялари ва тадбиркорлик фаолияти интеграцияси омиллари ташкил этади. Иқтисодиётнинг бу сектори турли хил фаолият турларини ўз ичига олиб, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга ёрдам беради. Ушбу фаолиятнинг якуний натижаси эса тайёр маҳсулот эмас, балки кўрсатилган хизматлардир.

Хизмат кўрсатиш соҳасини истиқболда тизимли ривожлантириш борасида **“Ўзбекистон – 2030”** стратегиясида ҳам кўплаб мақсад ва вазифалар белгилаб берилган. Бу вазифалар қўйидагилардан иборат:

- Ўзбекистонда ташқи ва ички туризмни ривожлантириш учун кенг шароитлар яратиш орқали сайёҳлар сонини ошириш, яъни хорижий туристлар сонини 15 миллионга, ички сайёҳлар сонини 25 миллионга, зиёрат туризми бўйича келадиغان туристлар сонини 3 миллион нафарга ошириш;

- Худудларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш орқали хизмат кўрсатиш ҳажмини 3 бараварга ошириш 2. Ўрта ва йирик шаҳарлар ҳамда аҳолиси 300 мингдан кўп бўлган туманларда замонавий бозор хизматларини ташкил қилиш;

- IT, таълим, тиббиёт, юридик, санъат, туризм, меҳмонхона ва умумий овқатланиш ҳамда транспорт хизматларини ривожлантириш;

- Шаҳарсозлик лойиҳалари асосида зарурий инфратузилмаси мавжуд ва аҳоли гавжум бўлган кўчаларнинг 233 мингта бўш ер майдонларини аукцион савдоларига чиқариш орқали савдо, маиший, сайилгоҳ ва кўнгилочар хизматларини ривожлантириш;

- Ўрта ва йирик шаҳар марказларида хизмат кўрсатишга ихтисослашган марказий кўчаларни ташкил этиш орқали 36 мингта савдо ва сервис объектларини ташкил этиш;

- «Янги Ўзбекистон» массивларида ва халқаро автомобиль йўллари бўйида 6 мингта савдо ва сервис объектларини қуриш ва етакчи лойиҳа ташкилотларини жалб қилиб, бозорларни замонавий, қулай барча хавфсизлик

талабларига жавоб берадиган савдо комплексларига айлантириш;

- Хусусий инвестицияларни жалб қилиш ҳисобига республикада 30 та йирик туризм кластерларини ташкил этиш, меҳмон ўринлари сонини камида 2 баробарга ошириш, тоғли ҳудудларда 25 та дор йўллари қуриш, туризм маҳаллалари сонини 175 тага етказиш[2] ва ҳақозалар.

Ушбу белгилаб берилган мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб, бу ислохатларнинг узвийлигини давом эттириш, хусусан, хизмат кўрсатиш соҳасини истиқболда тизимли ривожлантириш заруратини келтириб чиқармоқда. Зеро шундай экан, ҳозирги иқтисодиётнинг янги ривожланиш даврида мазкур соҳани ривожлантириш борасида, бир қатор таклифларни бериш мақсадга мувофиқ деб уйлаймиз.

Биринчидан, хизмат кўрсатишнинг замонавий бозор хизматлари қўламини кенгайтириш, янги-янги хизмат турларини жорий этиш орқали соҳада ижобий рақобатбардош

муҳитни яратиш ҳамда соҳанинг мамлакат миллий иқтисодиётидаги улушини кескин ошириш. Бунинг учун хизматлар соҳасининг самарадорлигини янада ошириш ва хизматлар соҳасини иқтисодиётнинг драйверига айлантириш зарур.

Иккинчидан, ИТ, таълим, туризм, алоқа, транспорт ва логистика хизматларини ривожлантириш, чекка ҳудудларнинг интернет билан таъминланганлик даражасини ошириш ва сифат кўрсаткичларини яхшилаш, йўл бўйи хизмат кўрсатиш инфратузилмаларини замонавий талабларга мослаштириш, соғлиқни сақлаш тизимида бўш турган бино ва ерлардан самарали фойдаланиш мақсадида ушбу соҳага хорижий инвесторларни ва хусусий секторни кенг жалб қилиш ҳамда улар фаолиятини кенгайтириш.

Бу каби устувор вазифалар хизматлар соҳасини ривожлантириш учун концептуал жиҳатдан мутлақо янги тизимни жорий этиш имконини беради.

### Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ш.М.Мирзиёевнинг 2023 йил 1 июндаги “Аҳолига сифатли ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг самарали назорат тизимини йўлга қўйиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-82 сонли фармони. // [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сонли Фармони. // [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
3. 2022 йил 20 декабрдаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022—2026 йилларда Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони. // [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
4. Котлер Ф. Основы маркетинга. - М.: Прогресс, 1993. - С.63-8.
5. Кастельс М. Информационная эпоха: Экономика, общество и культура: Пер. с англ. Под. ред. О.И. Шкаратана - М.: ГУВШЭ, 2000 г.
6. Ю.В. Мелешко «Трансформация определения понятия «услуг» в контексте концепции постиндустриального общества» // Россия: Интернет-журнал “Экономическая наука сегодня” №4. 2016 г.
7. Альфред Маршалл. Принципы экономической науки. - М.: «Прогресс», 1993 г.
8. Бурменко Т.Д. Сфера услуг: экономика: учебное пособие / Т.Д. Бурменко, Н.Н. Даниленко, Т.А. Туренко; под ред. Т.Д. Бурменко. - М.: КНОРУС, 2007. – 328 с. – С. 64-65.
9. Ураков Ж.Р. Хизмат курсатиш корхоналари фаолиятлари самарадорлигини ошириш-нинг ташкилий-иқтисодий механизми (Самарканд вилояти мисолида) // дисс. икт. фан. ном-зоди. - Т.: СамИСИ. 2011. 15-16 б.
10. Муҳаммедов М.М. “Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш - устувор масала”. *Servis jur.* №1, 2009.- 47-56 б.
11. Ботирова Р., Икромов И. Ҳудудларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг долзарб йўналишлари. №11(119)-2017. <http://www.biznesdaily.uz>
12. Пулатов М.Э. Интеллектуал капитал ҳисоби ва аудити методологиясини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фан-лари доктори диссертацияси автореферати. - Т.: ТМИ, 2017. -66-б.
13. [www.stat.uz](http://www.stat.uz)–Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика агентлигининг расмий сайти
14. [www.stat.uz](http://www.stat.uz)–Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика агентлигининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан таҳлил қилинди.